

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.Бердиалиев, М.Зокиров	
Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тожик тиллари контактига алоқаси	88
Ш.Турдиматова	
Функционимлар ва уларнинг тил луғат таркибининг макроқурилмалар тизимига мансуб ҳодисалар билан ўзаро муносабати ҳақида	92
М.Эргашев	
Инглиз ва ўзбек тилларида “феълли боғланиш” лисоний категория сифатида	98
Х.Исмоилов	
Суд нутқининг социолингвистик таҳлилига доир	101

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Г.Тиллабаева	
Биринчи тартибли чизиқли оддий дифференциал тенгламалар учун кўп нуқтали чегаравий масала	105
М.Аҳмедов, Х.Далиев, М.Онаркулов	
(ВIXSB1-X) 2TE3 поликристалл тензосезгир пленкаларнинг электронографик таҳлили	109
М.Ҳакимов, М.Маматкулов	
Табиий шарбат олиш учун мева ва сабзавотларни қайта ишлайдиган ШҚМ-18 қурилманинг амалдаги намунасини ишлаб чиқиш	112
М.Холиков	
Паразитизмнинг пайдо бўлиши ва оқибатлари	114
Ф.Адилов	
Ўзбекистон ва Озарбайжон халқлари ўртасидаги маданий ҳамкорлик алоқалари (кино ва театр соҳаси мисолида)	116
Т.Тургунбаев	
Кимёвий қуролларнинг яратилиш тарихи, жанговар қўлланилиш тавсифи ва уларнинг инсон организмга таъсири	119
Э.Тажимирзаев	
Фарғона водийси қишлоқларидаги маданий муассасалар фаолияти тарихидан (кино санъати мисолида)	123
Р.Аҳмедова	
Фарғона физиотерапия институтининг ташкил топиш ва фаолияти тарихидан (1923-1950 йиллар) ...	126
В.Ишқуватов	
Ўзбекистонда маҳалланинг моҳияти ва ўзига хослиги	129
К.Пулатов	
XX аср 50-йиллар охири 60-йиллар бошида Ўзбекистонда ижтимоий ва сиёсий ҳаёт (Фарғона водийси мисолида)	132
С.Мўминов, Ш.Мўминов	
Мутолаа маданиятининг лингвокультурологик тамойиллари	135
Б.Жўраева	
«Қорамол» ЛМГи асосида шаклланган ўзбек халқ мақолларининг услубий хусусиятлари	137
М.Назирқулова	
9-синфда Фурқатнинг “Фасли навбаҳор ўлди” ғазали матни устида ишлаш	140
М.Саидқабарова	
Қиссадан ҳиссанинг ғоявий-фалсафий функциялари	144
М.Деҳқонова	
Наим Каримов ижодининг ойбекшунослик тараққиётидаги ўрни	147
Ф.Анварова	
Бошланғич синфларда инглиз тилини тинглаб тушуниш орқали ўқитиш бўйича айрим тавсиялар	151
И.Қирғизов, Ғ.Нажметдинов, А.Исмоилов	
Муסיқий таълимда аждодлар меросидан фойдаланиш амалиёти	154
Ф.Эркабаева	
Замонавий маҳобатли рангтасвир санъатида мусаввир ижодининг нафис чизгилари	156
А.Хасанов	
Ҳарбий таълим факультети талабаларининг ўқув йиғинлари даврида жисмоний машқлар билан шуғулланиш шакллари ҳамда воситаларини аниқлаш	159

ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

Аҳмаджон Қўшақович Ўринов	163
--	-----

БИБЛИОГРАФИЯ

Библиография	166
--------------------	-----

УДК: 41+371.38

**БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ТИНГЛАБ ТУШУНИШ ОРҚАЛИ ЎҚИТИШ
БЎЙИЧА АЙРИМ ТАВСИЯЛАР**

**НЕКОТОРЫЕ РЕКОМЕНДАЦИИ, ПО ОБУЧЕНИИ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА, ПОСРЕДСТВОМ
ПРОСЛУШИВАНИЯ, В НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ**

**SOME RECOMMENDATIONS FOR TEACHING THE ENGLISH LANGUAGE IN ELEMENTARY
SCHOOLS WITH LISTENING SKILL**

Ф Анварова

Аннотация

Бошланғич синфларда инглиз тилини ўқитишда тинглаб тушуниш машқларидан фойдаланиш дарсларнинг қизиқарли бўлишини таъминлайди. Мақолада ёш тил ўрганувчилар учун қўлланилиши мумкин бўлган топшириқлар тавсия қилинади.

Аннотация

Исползование навыков аудирования и чтения в начальных классах школы делает занятия интересными и разнообразными. В данной статье рассматриваются задания для учеников, изучающих иностранный язык.

Annotation

The use of listening skill in teaching in the elementary grades of the school makes classes interesting and varied. This article discusses assignment for students learning a foreign language.

Таянч сўз ва иборалар: тинглаб тушуниш машқлари, аудиовоситалар, ўйинлар, мултимедиа воситалари.

Ключевые слова и выражения: упражнения на аудирование, аудиокниги, игры, мультимедиа.

Keywords and expression: listening exercises, audiobooks, games, multimedia.

Бугунги кунда инглиз тили бутунжаҳон тилларидан бири саналади. Шу сабабли ҳам дунё давлатлари айнан инглиз тилини таълим тизимида фан сифатида ўқитишни жорий этмоқдалар. Тил ўрганувчилар инглиз тилини самарали ўрганишлари учун тилни ўқитиш боғча ҳамда бошланғич таълимдан оқ бошланган.

Эндиги навбатда эътибор қаратилиши муҳим бўлган нарса бу бошланғич синф ўқувчилари учун инглиз тилини қай йўсинда ўргатиш мумкинлиги. Бу ўринда олдимизда маълум бир тавсияларни ишлаб чиқиш ва йўл қўйилиши мумкин бўлган камчиликларни ўрганиш талаб этилади.

Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, мултимедиа воситалари ҳам биз учун бош ёрдамчи бўла олади. “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурини тубдан ислоҳ қилш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида”ги фармонини бажариш доирасида ҳам етук педагогик кадрларни тайёрлаш билан бирга инглиз тилини ўқитишда керак бўладиган лингофон синфларни ташкил этиш ҳам назарда тутилган [1.85]. Шу

сабабли ҳам ўқитувчилар шундай синф хоналардан самарали фойдаланишлари лозим. Бошланғич синф ёшидаги болалар учун мултимедиа воситаларини қўллаш уларни чет тилига қизиқтириш учун муҳим роль ўйнайди. Масалан, мультфильм, видео-қўшиқларни намойиш этиш орқали дарс олиб бориш мумкин. Бу билан биринчидан, визуал ва аудиал билим ошса, иккинчидан, бола диққатини тортишга ёрдам беради. Шунинг билан бирга, мултимедиа воситаларидан фойдаланишда ўқитувчилар ҳам яратиб берилаётган шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда ўзларининг бор профессионал педагогик касб маҳоратларини ишга солиб, янги технологияларни қўллаган ҳолда сифатли дарс машғулотларини ўтказиш имкониятига эга бўладилар [2.110].

Ёш болалар (айнан 7-11 ёш, яъни бошланғич синф ўқувчилари) учун, эшитиш ва оғзаки ўрганиш фойдали. Бундан ташқари, турли хил ўйинлар орқали ҳам болалар билимини бойитиш мумкин. Демак, эшитиб тушунишга тўхталадиган бўлсак, турли эшитиш топшириқларини аудиолар орқали амалга ошириш мумкин. Болаларга мосланган турли хил қўшиқлар, диалоглар

Ф. Анварова – ФарДУ хорижий тил ва адабиёт йўналиши талабаси.

ва ҳаттоки эртаклар сабабли уларнинг тинглаб тушуниш кўникмаларини етарлича ривожлантириш мумкин. Шу ўринда ёш болаларга инглиз тилидаги сўзларни ўзбек тилидаги сўзларнинг айтилишига мослаб ўргатиш ҳам самарали фойда беради. Масалан, «5000 words in a month» китобида айнан шу метод орқали сўз ёдлашга эътибор қаратилган. Китоб муаллифи А.Аъзамовнинг тавсия этишича, айнан инглиз тилида сўзларнинг талаффузи билан мос келувчи сўзларни ишлатиб ёдлаш ёки айнан шу сўзнинг таржимаси ва талаффузига мос ҳолатда бирикма яъни «collocation» тарзида ёдлаш 85-90% ёрдам бермоқда[3].

Масалан;

- 1) Glass (*стакан*)-гилос(мева)
- 2) Fil (*тўлдирмоқ*)-фил(хайвон

маъносида)

Ёки гаплар билан ифодаланганда:

1. Стаканга гилос шарбат қуйилди.
2. Фил хартумидаги сув билан идишни тўлдирди.

Бу йўналиш ўқувчини айнан таржимадан чалғитмаслиги учун ўқитувчи сўзга мувофиқ эквивалентни танлашда эҳтиёткор бўлиши лозим. Чунки болалар инглиз тилидаги сўзнинг айнан таржимасини эмас, балки унга мувофиқ келувчи сўзни эслаб қолишлари ҳам мумкин. Бу эса кутилган натижани олишга ҳалал беради.

Аудиолар. Бунинг ёрдамида ҳам инглиз тилини осон ўргатиш мумкин. Масалан, сабзавотларни ўргатиш учун шунга доир сўзлар ишлатилган ва бир неча бор такрорланган аудиолардан фойдаланган маъқул. Ёки шу сўзлар қатнашган шеър ёки қўшиқлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

The song about vegetables

Carrot-carrot, cabbage-cabbage,
broccoli-broccoli

One, two, three

Let's chop some carrots

Carrots na-na-na

Let's chop some cabbage

Cabbage na-na-na

Let's chop some broccoli

Broccoli na-na-na

Some vegetables for you and me.

Шу каби қизиқарли қўшиқларни ҳам қўллаш самарали ҳисобланади. Аммо фақат қўшиқларга суяниб қолиш болаларга

керакли билимларни беришда маълум бир тўсиқлар пайдо қилиши мумкин.

Инглиз тилида болаларга сўз ўргатишда маълум бир товушларга қиёслаб ўргатиш ҳам мумкин. Масалан, тана аъзоларини ўргатишда:

«Eye»-кўзимизга тегиб (оғрияпти дегандек) «ай» деб талаффуз қиламиз. Ёки «ear»- қулоқни тортиб «ийй» деган товуш билан ҳам ўргатиш мумкин. Бундай усулдан фойдаланиш ҳам визуал, ҳам аудиториал, ҳам кинестетик ўқувчилар учун яхши. Бу билан биз кичкинтойларимизни инглиз тилида сўз ёдлашларига ёрдамлашамиз.

Навбатдаги метод - бўйинлардан фойдаланиш. Бу метод ёрдамида болаларнинг билим салоҳияти ўсади, дарсга қизиқишни ошириш билан бирга, унда қатнашиш иштиёқини пайдо бўлишига кўмаклашамиз. Бундан ташқари, агар ўйин жисмоний ҳаракатни ҳам талаб этса, бу жисмоний жиҳатдан ҳам ёш ўрганувчига ижобий эффе́к_т беради.

Taboo word ўйини. Синф иккига бўлинади ва жамоалар бир-бирига қарама-қарши ҳолда ўтирадилар. Ҳар бир жамоа ўз жамоасидан бир кишини рўпарасидаги стулга ўтириш учун танлайди. Ўқитувчи эса ўқувчининг ортига ўтиб туради ва катта қоғозга ёзилган сўзни ушлаб туради. Ўриндиқда ўтирган ўқувчилар бу сўзни кўриб таърифлашлари ва рўпарада ўтирган ўқувчининг бу сўзни уч дақиқада топишига ёрдам беришлари керак, аммо бу ораликда улар бу сўзнинг ўзини ишлатиб қўймасликлари зарур.

Бу ўйин болалардан кўпроқ синоним, яъни маънодош сўзлар ёдлашни ва билишни талаб этади, ҳам дарсни қизиқарли тарзда олиб борилишига кўмаклашади.

Charades ўйини. Ўқувчилар танлаши учун бир нечта тўртбурчак қилиб қирқилган қоғозларга сўзларни ёзамиз, танланган сўзни бола қўл ва оёқ ҳаракатлари билан кўрсатиб беради, қолган болалар уни топишлари керак бўлади. Бунда феъллардан фойдаланиш маъқул ва ёш тил ўрганувчилар учун қийинчилик туғдирмайди. [4]

Бу ўйин болаларга кўпроқ сўз ёдлаш учун ёрдам беради. Шу билан бирга, жисмонан тетиклашишларига ҳам сабаб бўлади.

Болаларни тил ўрганишга қизиқтира олиш ўқитувчининг педагогик маҳоратига

ҳам боғлиқ. Болаларнинг асосан тинглаб ўтишини таъминлай олади, фақатгина тушуниш орқали ўрганишлари учун малакали устоз бунга тўғри ёндашиши юқоридаги тавсиялардан тўғри фойдалана лозим. олиш дарсни қизиқарли ва самарали

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият- энгилмас куч.–Т., 2008.
2. Сатторов. Т. Бўлажак чет тили ўқитувчиларининг услубий омилкорлигини шакллантириш технологияс. -Т.,2003.
3. АъзамовА. «5000 words in a month»-couching.uz
4. «Games»-WWW.Games forEnglish.uz

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)